



## Абадий Ватан ҳикмати

Эй Навоий, ўзни макбул истасанг, туфрок бўл  
Ким, эрур мардуд, улким бошида пиндори бор.

Байтдаги “мардуд” калимаси рад этилган, кувилган, “пиндор” сўзи эса фикр, хаёл, тасаввур, мажозий маънода кибрни англатади. Байтда туфрок, макбул, мардуд ва пиндор сўzlари воситасида талмих ва тазод санъати кўлланган. Яъни улуг бобомиз Одам а.с. ва Шайтон киссасига ишора килиб ёзмокдаки: “Эй Навоий, Хак даргохida макбул бўлмок истасанг, туфрок каби хокисор бўл. Чунки кимнинг бошида кибру гурури бўлса, у мардуд, яъни Шайтон каби Яратувчининг даргохидан кувилгандир”.

Байтдан максад кибрни мазаммат килиш ва одамларни хокисорликка ундашдир. Зеро, кибр инсон калбидаги тузалиши кийин бўлган хасталикдир. Шунинг учун хам барча дин

ва таълимотларда кеккайган кимсалар танкидга учраган.

Куръони каримнинг бир катор оятларида мутакаббирлар лаънатланган ва жойлари жаханнам экани хабари берилган. Жумладан, “Зумар” сурасининг 60-оятида: “Ахир, жаханнам кибр килувчиларнинг жойи эмасми? (Албатта ўшаларнинг жойидир)”, деб айтилса, шу суранинг 72-оятида яна таъкидланади: “Малоикапар тарафидан айтиладики: “Ундан бўлса, жаханнамда хамиша (абадий) колгувчи бўлган холингизда унинг дарвозаларидан киринглар!”

Хадиси шарифларнинг бирида калбида хандал уругича кибри бор инсоннинг жаннатга кирмаслиги катъий таъкидланган.

Хазрат Навоий “Махбуб ул-кулуб” асарида инсон хулкини “хамида афъол ва замима хисол” яъни мактапган яхши феъллар ва мазаммат килинган ёмон иллатларга ажратиб, уларни бирма-бир очиклаб, таърифлайди. Кибр хакида эса бир ўринда: “мутакаббир — малъун”, дейди. Буларнинг акси бўлган тавозе ва хокисорликни тарғиб этади.

“Насойим ул-мухабbat”да шайх Юсуф бин Хусайн Розийнинг бундай деганини эслатади: “Барча яхшиликлар уйнинг ичкарисида, унинг калити тавозедир. Барча ёмонликлар хам уйнинг ичкарисида. Унинг калити такаббурликдир”.

Одатда, инсонлар илми, хусни, насаби, мансаби ва мол-дунёси билан фахрланади, кибр килади. Баъзилар сурбетларча ўзини бошқалардан устун тутади ва кези келганда уялмай хакдорлигини хам билдириб кўяди...

Имом Мухаммад Газзолий аксар асарлари, жумладан, “Кимёи саодат”да кибрнинг даражалари, офатлари ва улардан кутилишнинг чоралари хакида батафсил маълумот берган. Унинг таъкидлашича, киши то ўз нафсини танимагунча, тупрокдан ва бир катра нопок сувдан яратилгани хакида тафаккур килмагунча ёки хуснига магрур инсон корни ва вужудидаги ахлат ва нажосатлар хакида мушоҳада юритмагунча, бу иллатдан халос бўлиши кийин.

Газзолий мазкур китобида шундай бир ривоят келтиради. Бани Исроил тоифасида бир обид бўлган экан. Таквоси туфайли шу даражага етибдики, доимо бошига бир парча булат соя солиб юрар экан. Кунларнинг бирида бадаҳлок бир киши яхшилик согиниб: “Мен хам обид каби яхши инсон бўлсан, унинг файзидан зора менга хам юкиб колса”, деган ниятда обиднинг ёнига бориб ўтирибди. Шунда обид: “Сен ким бўлдингки, менинг ёнимда ўтирасан. Сендан нокасрок ким бору, мендин обидрок ким бор?! Ёнимдан тез кет, сенинг касофатинг менга хам тегади”, дебди. Шунда халиги одам ўрнидан туриб кетаётса, булат хам у билан кетибди. Обид эса офтобда колибди. Оллоҳ таоло ўша замон пайгамбарига: “Обиднинг кибру манманлиги боис барча яхши амалларини бекор килдим, фосикнинг сидку ихлоси туфайли барча ёмонликларини кечирдим”, деб вахий юборибди.

Навоий газаллари вакти-вакти билан инсонни хокисорликка ундан, унга мухаккак ўлимни эслатиб туради. Зотан, хар бир киши асли туфрок бўлгани ва яна туфрокка кайтиши мукаррар эканини хис килиб яшаса, унинг калби уйгок бўлади. Бундай инсон таъкидурлиқдан сакланади. Пайгамбаримиз с.а.в. тупрокда ўтириб нон ер ва: “Мен бандаман ва бандаларга ўхшаб таом ейман” дер эканлар. Ахмад Яссавий хазратлари хикматларида “аслим туфрок, наслим туфрок, жисмим туфрок” дея инсонларни мушоҳадага ундейди. Дарҳакикат, тупрокда инсон моҳияти яширин. Аммо уни хар кандай акл идрок эта олмайди. Инсон оёги остидаги улкан хакикат хакида фикр юритганда, гуноҳ ишларга кўл урмасди. Моҳиятан, тупрок нафакат тирикликтаги Ватан, балки у вафот этгандан сўнг хам абадий Ватан бўлиб колиши билан янада муқаддасдир... Усмон

Нурий Тўпбош “Бир кўза сув” асарида: “Инсон зехнининг асосий мохияти тупрок нималигини билишидадир. Фикрлар ва кўнгиллар тупрок остига парвона бўпмагунча, кимса бу коронгилик ўлкасининг сирини еча олмайди”, деган фалсафий фикрни илгари суради.

Навоий таъбирича, кибр фактат жохилу нодон кишиларда эмас, илм ўкиб, билимига амал килмаган кишиларда хам зохир бўлади. Улуг шоир “Насойим ул-мухабbat” тазкирасида Абулхайр Тайнотий деган шайхнинг бундай хикматли сўзларини келтиради: “Хар ким илмин зохир килса, муроидур (риёкор) ва холин зохир килса — муддаий (даъвогар). Бир катла биравни кўрдиким, сув юзида борадур. Деди: бу не бидъатдур, куругликка чик, даги хуш бор! Яна биравни кўрдиким, хавода борур эрди. Анга даги ушбу сўзни деди, даги сўрдиким, каён борурсен? Дедики, хажга. Дедиким, бор!”

Кўриб ўтганимиздек, Навоий хазратлари бир байт мисолида кибрни коралаб, хокисорликни тарғиб килади. Бу хар биримиз учун гоят ибратли ва хикматли даъватдир.

Сайфиддин САЙФУЛЛОХ